

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссиянинг 2018 йил 9 мартдаги 4-сон баённомаси билан тасдиқланган

## **Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссия Низоми**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2017 йил 3 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 123-сон буйруғига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия деб юритилади)нинг баённомаси билан тасдиқланган. Низом Комиссия мақоми, унинг функциялари, ваколатлари, мажбуриятлари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

### **II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва уларни амалга ошириш тартиби**

1. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги 466-I-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2637-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 ноябрдаги 394-сон Қарорлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Низоми, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон Қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий Қоидалари”, Агентлик

Жамоа шартномаси ҳамда Агентлик ва тасарруфдаги корхонанинг Ички тартиб Қоидаларига амал қилади.

2. Комиссия Агентлик ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, коррупция ҳолатларини юзага чиқишини олдини олиш ва бартараф этиш, Агентлик ходимларини мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик бўйича функцияларни амалга оширади.

Комиссия, шунингдек Одоб-ахлоқ қоидаларини, шунингдек умумий қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормаларни бузувчи ҳатти-ҳаракатлар ва қилмишлар содир этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

3. Комиссиянинг асосий вазифалари:

- Агентлик ва тасарруфдаги корхона ходимларини ўз хизмат вазифаларини бажариш талабларига риоя қилишларини таъминлаш;

- Агентлик ва тасарруфдаги корхонадаги нормал иш муҳитига таъсир кўрсатадиган зиддият ва низоли вазиятларга ечим топиш ҳамда бартараф этиш;

- Агентликнинг барча таркибий бўлинмаларидан заруриятга кўра тегишли ҳужжатларни ўрнатилган тартибда сўраб олишдан иборат;

- Агентликнинг барча таркибий бўлинмаларидан заруриятга кўра комиссия ваколатига тааллуқли бўлган ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ва мониторингни амалга оширади;

Комиссия шунингдек, Агентлик ва тасарруфдаги корхона ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш мумкин.

### **III. Комиссия фаолиятини ташкил этиш ва иш юритиш тартиби**

1. Комиссия ўз фаолиятини қуйидаги таркибда юритади.

- Агентлик бош директори ўринбосари;

- Агентлик Касаба уюшмаси қўмитаси раиси;

- Кадрлар бўйича инспектор;

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Агентлик БТ етакчиси;

- Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори – Комиссия котиби.

Комиссия ишига кун тартибидан келиб чиққан ҳолда Агентлик ва унинг тасарруфидаги корхонанинг тегишли таркибий бўлинма раҳбар ёки ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Комиссиянинг барча аъзолари овоз бериш жараёнида тенг овозга эгадирлар. Комиссия қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган, Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Комиссия йиғилиши баёнини имзолашда Комиссия аъзолари алоҳида фикр билдириш ҳуқуқига эга.

Комиссия фаолиятининг муҳим масалалари юзасидан ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш учун мутахассисларни жалб этиш.

2. Комиссия ўз мажлисларини ҳар ойнинг биринчи чоршанбаси куни ёки зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан навбатдан ташқари ҳам ўтказилиши мумкин.

Комиссия иш режасини ишлаб чиқиш, унинг ижросини назорат қилиш, шунингдек Комиссиянинг кундалик фаолиятини тасдиқланган режага мувофиқ ташкил этиш;

3. Комиссия йиғилишлари очик ёки Комиссия ишида иштирок этаётган иштирокчиларнинг илтимосларига кўра ёпиқ тарзда ҳам олиб борилиши мумкин.

4. Комиссия текширувига асосан Агентлик ва тасарруфдаги корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, Комиссиянинг хулосаси асосида Иш берувчи қонунбузилиш ҳолатларини содир этган ходимларга нисбатан амалдаги меҳнат қонунчилиги нормалари асосида тегишли чоралар кўриши мумкин. Юқоридаги каби ҳолатлар аниқланган тақдирда Комиссия тақдимнома киритиш орқали бу ҳақида Иш берувчини маълум қилади.

5. Комиссия жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек аноним тарзда йўлланган мурожаатларни кўриб чиқмайди.

6. Комиссия йиғилиши баённомалари Комиссия котибида сақланади.

#### **IV. Якуний қоидалар**

1. Комиссия иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талаблари доирасида олиб боради.